ISSN 2181-5291

# PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

№ 1, 2021

www.psixologiyabuxdu.uz

# PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL * НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

**1-son 2021-yil. * Выпуск 1. 2021 год.**

**BOSHMUHARRIR – ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:**
**BAROTOVSH. R.**
Psixologiya fanlari doktori, professor.
Xalqaro Psixologiya Fanlari Akademiyasining haqiqiy a’zosi (akademigi)
Действительный член (академик) Международной Академии Психологических Наук

**TAHRIR HAY’ATI – РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:**
XAMIDOVO.X.
Buxoro davlat universiteti rektori,
iqtisodiyot fanlari doktori, professor
SHOUMAROV G`.B.
(Bosh muharrir o’rinbosari)
psixologiya fanlari doktori, professor
UMAROV B.M.
(Bosh muharrir o’rinbosari)
psixologiya fanlari doktori, professor
KOZLOV V.V. (Rossiya)
psixologiya fanlari doktori, professor
MALI’X S.B.(Rossiya)
psixologiya fanlari doktori, professor
KOROBEYNIKOV I.A. (Rossiya)
Psixologiya fanlari doktori, professor
KARIMOVA V.M.
psixologiya fanlari doktori, professor
SAFOYEV N.S.
psixologiya fanlari doktori, professor
BEKMURODOV M.B.
sotsiologiya fanlari doktori, professor
KADIROV U.D.
psixologiya fanlari doktori, professor
JABBOROV A.M.
psixologiya fanlari doktori, professor
NISHONOVA Z.T.
psixologiya fanlari doktori, professor
IBODULLAYEV Z.R.
tibbiyot fanlari doktori, professor
BEGMATOV A.S.
falsafa fanlari doktori, professor
HUSEYNOVA A.A.
Falsafafanlari doktori, professor
MUXAMEDOVA D.G.
psixologiya fanlari doktori, professor
QAHHOROV O.S. BuxDU ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo‘yicha prorektori.
Iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD).

**MUHARRIRLAR – РЕДАКТОРЫ:**
Usmanova M.N.–psixol.fan.nom., dot.
Muxtorov E.M.– psixol.fan.nom., dot.
Barotova D.Sh.–psixol.fan.nom., dot.
Raxmatova M.M.– filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)., dot.
Eshbekov T.U. - filol.fan.nom., dot.
Dilova N.G’. – pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)., dot.

**TEXNIK MUHARRIRLAR – ТЕХ. РЕДАКТОРЫ:**
Jamilova B.S, Ostanov Sh.Sh, Rustamov Sh.Sh.

**MAS’UL KOTIB – ОТВ. СЕКРЕТАРЬ**
Sobirova D.A. Psixologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD).

# PSYCHOLOGY

**SCIENTIFIC JOURNAL**

**Issue 1: 2021**



**EDITOR-IN-CHIEF:**
**BAROTOV SH. R.**
Doctor of Psychology, professor, the member (academician) of International Academy of Psychological Sciences

**EDITORIAL BOARD:**
XAMIDOV O.X.
Doctor of Technical Sciences, Professor, the rector of Bukhara State University
SHOUMAROV G.B.
(Deputy editor)
Doctor of Psychology, Professor
The assistant of the editor-in-chief
UMAROV B.M.
(Deputy editor)
Doctor of Psychology, Professor
The assistant of the editor-in-chief
KOZLOV V.V.(Russia)
Doctor of Psychology, Professor
MALIKH S.B.(Russia)
Doctor of Psychology, Professor
KOROBEYNIKOV I.A. (Russia)
Doctor of Psychology, Professor
KARIMOVA V.M.
Doctor of Psychology, Professor
SAFOEV N.S.
Doctor of Psychology, Professor
BEKMURODOV M.B.
Doctor of Sociology, Professor
KADIROV U.D.
Doctor of Psychology, Professor
JABBOROV A.M.
Doctor of Psychology, Professor
NISHONOVA Z.T.
Doctor of Psychology, Professor
IBODULLAEV Z.R.
Doctor of Medical Sciences, Professor
BEGMATOV A.S.
Doctor of Philosophy, Professor
ABDURAHMANOV F.R.
Doctor of Philosophy, Professor
MUXAMEDOVA D.G.
Doctor of Psychology, Professor
QAHHOROV O.S.
The vice rector of Bukhara State University on Scientific and innovation Matters, PhD of Economics

**EDITORS:**
Usmanova M.N.–Candidate of Psychology, Docent
Mukhtorov E.M. – Candidate of Psychology, Docent
Barotova D.Sh.–Candidate of Psychology, Docent
Raxmatova M.M. – Doctor of Philosophy in Philological (PhD)., Docent
Eshbekov T.U. - Doctor of Philosophy in Philological sciences (PhD)., Docent
Dilova N.G. - Doctor of Philosophy in Pedagogy (PhD)., Docent

**TECHNICAL EDITORS:**
Jamilova B.S, Ostanov Sh.Sh, Rustamov Sh.Sh.

**EXECUTIVE SECRATARY**
Sobirova D.A.PhD of Psychology

***Мундарижа/Содержание/Contents***


| | |
|---|---|
| 3 | ***Баратов Ш.Р., Баротова Д.Ш., Исматова Д.Т.*** |
| | *Оила психологияси фанидан мультимедия маҳсулотининг яратилиши: муаммо ва ечимлар* |
| | *Creating a multimedia product in the field of family psychology: problems and solutions* |
| 9 | ***Абдуллаева Б.С., Якубова Г.А., Искандерова С.А.*** |
| | *Психологлар амалий фалолиятидаги психофизиологик методларнинг мухим ўрни* |
| | *The role of psychophysiological techniques in the practical paralysis of psychologists* |
| 14 | ***Собирова Д.А.*** |
| | *Тиббиёт ходимлари фаолиятида социал-психологик компетентлик ва эмоционал интеллект орасидаги муносабатлар таҳлили (Холл услуби бўйича)* |
| | *Analysis of the relationship between sosial-psychological competence and emotional intelligence in the activities of medical personnel (according to the Hall method)* |
| 17 | ***Назаров А.М.*** |
| | *Спортчиларда муҳофаза механизмларини ривожлантиришнинг ўзига хос психологик хусусиятлари* |
| | *Specific psychological features of the development of protection in athletes* |
| 22 | ***Авлаев О.У.*** |
| | Талабалар камолотида ижтимоий интеллектнинг гендер фарқлари |
| | Gender differences in social intelligence in student maturity |
| 29 | ***Адилова Ш.Т.*** |
| | *Суицидал хулқ-атвор-психологик муаммо сифатида* |
| | *Suicidal behavior-as a psychological problem* |
| 33 | ***Арзикулов Д.Н.*** |
| | Спорт-педагогик фаолият қобилиятларини ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик шартларини моделлаштириш. |
| | *Modeling of socio-psychological conditions for development of abilities of sports-pedagogical activity.* |
| 39 | ***Арсланов К.П., Джураева М.З., Жўраев Ж.Р.*** |
| | Психологическая сущность воспитания спортсменов. |
| | The psychological essence of the education of athletes. |
| 43 | ***Munirov N.A.*** |
| | *Jismoniy tarbiya mashg‘ulotlarida bolalar rivojlanishining psixologik yosh xususiyatlari* |
| | Psychological age characteristics of children's development in physical education classes |
| 48 | ***Давронов Н.И.*** |
| | Қадриятли ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни тарбиялашнинг психологик хусусиятлари |
| | Psychological characteristics of the upbringing of physical qualities in primary schoolchildren on the basis of a dignified approach |
| 51 | ***Нарзикулова Д.Х.*** |
| | Оилада низоларнинг яратувчанлик ва бузғунчилик хусусиятларини бартараф этишнинг психологик жиҳатлари |
| | Psychological aspects of overcoming the creative and destructive features of conflicts in the family |
| 55 | ***Ишонкулова Н.И.*** |
| | Особенности и тенденции развития стрессоустойчивости в подростковом возрасте |
| | Features and trends in the development of stress resistance in adolescence |
| 59 | ***Қаршиева Д.С.*** |
| | Касбий стресс ва унинг детерминантлари |
| | Occupational stress and its determinants |
| 63 | ***Мамажанов И.Г.*** |
| | Талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёрлаш |

| | |
|---|---|
| | Preparation of students for professional innovation activities |
| 69 | ***Мусинова Р.Ю.*** |
| | Содержание тренинговой программы развития саморегуляции студентов высших образовательных учреждений педагогического профиля |
| | Content of the training program for the development of self-regulation of students of higher educational institutions of pedagogical profile |
| 73 | ***Одилжонова А.А.*** |
| | Кичик мактаб ёшидаги иқтидорли ўқувчиларда креатив қобилиятларни шакллантиришнинг психологик асослари. |
| | Psychological fundamentals of formation of creative abilities in talented students of primary school age. |
| 79 | ***Очилова М.А.*** |
| | Оиладаги ижтимоий низоларни педагогик ўрганиш ва уларни бартараф этиш. |
| | Pedagogical study of social conflicts in the family and their elimination. |
| 82 | ***Полванова Д.Т.*** |
| | Ёшларнинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш масалалари жанубий корея тажрибасида. |
| | Issues of information and psychological security of young people from the perspective of the South Korean experience. |
| 87 | ***Salaxutdinova M.I.*** |
| | Iste’molchi xulq-atvorini tasniflash |
| | Classification of consumer behavior |
| 93 | ***Султонов Ш.У.*** |
| | Спорт фаолиятида стрессорларнинг таъсирини назарий ўрганилиши |
| | Theoretical study of the effects of stressors in sports activities |
| 98 | ***Тошова Г.Ж.*** |
| | Оилада болалар билан мулоқот қилишнинг ижтимоий-педагогик шарт-шароитлари |
| | Socio-pedagogical conditions of communication with children in the family |
| 101 | ***Умматова С.*** |
| | Рашк феноменининг гендер ва ёш хусусиятлари |
| | Gender and age characteristics of the phenomenon of jealousy |
| 105 | ***Усманова Э.З., Нерушева С.Ю.*** |
| | Взаимосвязь увлеченности работой и профессиональной мотивации учителя |
| | The relationship between passion for work and professional motivation of the teacher |
| 111 | ***Шарипова С.Б.*** |
| | Оилавий муносабатларда шахснинг умуммаданий дунёқарашини шакллантиришнинг педагогик психологик жиҳатлари |
| | Pedagogical psychological aspects of formation of the world culture of human in family relations. |
| 116 | ***Эгамбердиев Ф.Т.*** |
| | Спортчиларда иродавий сифатларни шакллантириш-психологик муаммо сифатида. |
| | Formation of will qualities in athletes-as a psychological problem. |
| 119 | ***Atabaeva N.B.*** |
| | The role of altruistic motivations in education of teenagers in the patriotic spirit. |
| | Ўсмирларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда алтруистик мотивларнинг ўрни. |
| 124 | ***Олимов Л.Я.*** |
| | Экстремал вазиятларда копинг хулқ-атвор ва стратегиялар намоён бўлишининг ижтимоий психологик хусусиятлари |
| | Social psychological features of coping behavior and manifestation of strategies in extreme situations |
| 130 | ***Шойимова Ш.С.*** |
| | Тиббиёт ОТМ педагогларининг касбий сўниш даражасини ўрганиш |
| | Study of the level of extinction of professionalism of medical teachers |

| | |
|---|---|
| 140 | ***Саттаров Э.Н.*** |
| | Бошқарув компетенциялари моделларини ишлаб чиқишнинг замонавий амалиётдаги илғор тажрибаси ва уни қўллаш имкониятлари. |
| | Best experience in the development of models of management competencies in modern practice and opportunities for its application. |
| 144 | ***Тўева З.Н.*** |
| | Мактабда ўқувчи нутқига қўйиладиган асосий талаблар. |
| | Basic requirements for student speech in school |
| 149 | ***Думаров М.Х.*** |
| | Ёшлар ижтимоий реаллик идрокининг ўзига хос жиҳатларини эмпирик ўрганилиши. |
| | Empirical study of the specific aspects of youth social reality. |
| 154 | ***Назаров А.С.*** |
| | Раҳбар фаолиятида бошқарув қарорларини қабул қилишнинг ташкилий ва ижтимоий-психологик хусусиятлари. |
| | Organizational and socio-psychological features of management decisions in the activities of the management. |
| 161 | ***Нишанов С.Ю.*** |
| | *Психология вранья человека место, время и микровыражения.* |
| | Psychology of human lies place, time, and micro expressions. |
| 165 | ***Хусанова Д.Г.*** |
| | Меҳрибонлик уйининг ўсмир ёшидаги тарбияланувчиларининг психологик тавсифи. (РБИММ илмий ходимлари томонидан олиб борилган тадқиқот натижалари асосида) |
| | Psychological description of the upbringing of the orphanage at the teenage age. (Based on the results of the research conducted by the scientific staff of RBIMM) |
| 174 | ***Чориев Ф.*** |
| | Тафаккур ривожланишида креативликнинг психологик омиллари. |
| | Psychological factors of creativeness in the development of cognition. |
| 178 | ***Рамазонов Ж.Д.*** |
| | Ўзини-ўзи идора қилиш мотивациясини ривожлантиришнинг эмпирик асослари |
| | The empirical basis of developing self-management motivation |
| 183 | ***Шарапова С.Дж.*** |
| | Ёшларда турли таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик асослари |
| | Socio-psychological basis for the formation of ideological immunity in young people against various threats |
| 190 | ***Турғунов А.А.*** |
| | Мактабгача таълим жараёнида психологик маслаҳат ишлари |
| | Psychological counseling in preschool education |
| | **МАГИСТРЛАР МИНБАРИ** |
| 195 | ***Собиров А.А.*** |
| | Содержание тренинговой программы развития психологической защиты у спортсменов |
| | Content of the training program for the development of psychological protection in athletes |
| 199 | ***To‘ymurodov A.Sh.*** |
| | Ekstremal vaziyatlarda aholiga psixologik xizmat ko‘rsatishning ilmiy - amaliy asoslari |
| | Scientific-practical basis of psychological service to the population in extreme situations |
| | **ИЛМИЙ МУШОҲАДА** |
| 206 | ***Товбаева М.С.*** |
| | Оилавий муносабатларда психологик деспотизм кўринишлари |
| | Manifestations of psychological despotism in family relations |
| 210 | ***Қодирова А.Б.*** |
| | *Ал-Ҳаким ат-Термизий шахси, илмий-ижодий фаолиятининг ижтимоий-психологик ва педагогик жиҳатлари* |
| | *Al-Hakim at-Termiziy personality, socio-psychological and pedagogical aspects of his scientific and creative activity.* |

| | |
|---|---|
| **216** | ***Рустамов Ш.Ш.*** |
| | *Кластерный анализ при большом количестве наблюдений (кластерный анализ методом к-средних)* |
| | *Cluster analysis with a large number of observations (k-means cluster analysis)* |
| **219** | ***Останов Ш.Ш.*** |
| | *Талабаларда арт-терапия орқали креатвликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари* |
| | *Features of the development of creativeness in students through Art therapy* |
| **222** | ***Якубжанова Д.Б.*** |
| | *Сурдопедагогнинг шахсий-касбий компетентлигини белгилайдиган сифатлар ҳамда уларни ривожлантириш масаласи* |
| | *Qualities that determine the personal and professional competence of a deaf pedagogue and the issue of their development* |
| | ***УСТОЗЛАР ҲАЁТИДАН*** |
| **227** | ***Олимов Ш.*** |
| | *Жонкуяр фидоий педагог* |



***Баротов Шариф Рамазонович,***
*психология фанлари доктори, профессор,*



***Баротова Дилафрўз Шарифовна,***
*психология фанлари номзоди, доцент,*



***Исматова Дилафруз Туймуродовна,***
*БухДУ Психология кафедраси ўқитувчиси,*

# ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ ФАНИДАН МУЛЬТИМЕДИА МАҲСУЛОТИНИНГ ЯРАТИЛИШИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

***Ушбу мақола “Оила психологияси фанидан мультимедия маҳсулотини яратиш” мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.***

***Аннотация:*** *Мазкур мақола оила психологияси фанидан мультимедия маҳсулотининг яратилиши ва психологик хизматни такомиллаштириш концепциясининг илмий-амалий ва назарий жиҳатларини ёритишга қаратилган.*

***Калит сўзлар:*** *мультимедиа, психологик хизмат, ижтимоий психология, ёшлар, оилалилар, ногиронлар.*

***Аннотация:*** *Статья освещает создание мультимедийного продукта по теме семейной психологии научно-практические и теоретические аспекты концепции совершенствования психологической службы.*

***Ключевые слова:*** *мультимедиа, психологическая служба, социальная психология, молодежь, семейные люди, инвалиды.*

***Abstract:*** *The article covers the creation of a multimedia product on the topic of family psychology as well as scientific, practical and theoretical aspects of the concept of improving the psychological service are described.*

***Key words:*** *multimedia, psychological service, social psychology, youth, family people, disabled people.*

**Мавзунинг долзарблиги:** Республикамизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар шароитида маҳаллада истиқомат қилувчи ҳар бир оила, ҳар бир шахснинг ўзига хос ижтимоий-психологик тараққиётини таъминлаш, маҳаллалардаги оилаларда ота-она ва фарзандлар, эр ва хотин, қайнона ва келин ўртасидаги муносабатларни яхшилаш, улар орасидаги низоли, оғир турмуш шароитини амалий ҳал қилиш механизмларини жорий этиш, уларга кўрсатиладиган ижтимоий-психологик хизматни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича илмий асосланган концепцияларни ишлаб чиқишга катта эътибор берилмоқда. Бу борада давлатимиз томонидан жамиятнинг кичик бўғини бўлган оилалардаги маънавий соғлом муҳитни яратишда маҳалланинг таъсирини кучайтиришга катта эътибор қаратилаётган даврда маҳалла аҳолисининг турли гуруҳларига психологик хизмат кўрсатишнинг ижтимоий-психологик механизмларини ишлаб чиқиш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Оила – ижтимоий институтларнинг энг қадимгисидир. Инсоният бошидан кечирган тарихий даврларнинг қанчалик турфа ва мураккаб бўлишига қарамай, айниқса, XIX ва XX асрларда рўй берган буюк ўзгаришлар ва ислоҳотларга дош бера олган ушбу маскан ўз тизими, таркиби ва жамият олдида турган мажбуриятларини бажариши нуқтаи назаридан соғ омон сақланиб қолган тузилмадир. Оилани инсонлар ташкил этгани ва ундаги ҳаёт-мамотни улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ташкил қилишини ҳисобга оладиган бўлсак, уни соф психологик жараёнлар маскани ҳам деб аташ мумкин.

Оиланинг ижтимоий институт мақомидаги фаолиятининг объектив қонуниятларини, оила-никоҳ ҳамда қариндош-уруғчилик муносабатларининг механизмлари ва турмуш тарзига оид конкрет вазиятларда оила аъзолари ижтимоий хулқининг намоён бўлишини ўрганиш долзарб ҳисобланади. Ижтимоий психологиянинг амалий тармоғи сифатида никоҳга оид установкаларни,

оила аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг – меҳрибонлик, ғамхўрлик, ҳамдардлик, ҳамжиҳатлик, тобелик, бўйсуниш, етакчилик каби ўзига хос қирраларини, оилавий роллар тақсимоти ва ўзаро таъсирнинг жинсга оид қонуниятларини, ота-она ва фарзандлар, яқин қариндош уруғлар ўртасидаги ҳиссий-эмоционал боғлиқликни, оилавий рўзғор юритиш ва турмуш тарзини ташкил этишга боғлиқ бўлган психологик жараёнларнинг кечишини тадқиқ этиш ўта муҳим.

Замон талаблари ижтимоий психологик ишларни ташкил этишда илмий асосланган инновацион мультимедиалардан фойдаланишни талаб этмоқда. Шу жумладан, Оила психологияси фанини ўқитишга йўналтирилган мультимедиа маҳсулотини яратиш ҳам давр талабидир. Бунда оилавий муносабатлар психологияси, ижтимоий психология, психодиагностика, психокоррекция, психологик маслаҳат тадбирларини компьютер технологияларига асосланган медиа маҳсулотларини яратиш орқали оилаларга психологик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга ёрдам бериш, таълим муассасаларининг барча таълим тури ва йўналишларининг талабаларига “Оила психологияси” фанини чуқур ўргатиш кўзда тутилган. Бу лойиха мамлакатимиз олдида турган муҳим муаммоларни, хусусан, табиий офатлардан талофот кўрган, касалга чалинган оила аъзоларига руҳий ва маънавий мадад бериш масалаларини ҳал этишга хизмат қилади.

“Оила психологияси” фани бўйича мультимедиа маҳсулотининг яратилиши таълим муассасалари талабаларининг оилани ижтимоий тарихий келиб чиқиши, оилада юзага келиши мумкин бўлган ўзгаришлар ҳақида билиши; оиланинг мустаҳкамлигини таъминловчи билим ва малакаларга эга бўлиши; оилавий ҳаётни ўзига хос хусусиятларини илмий асосланган тарзда талқин эта олиши; муаммоли вазиятлардан психологик жиҳатдан оқилона (оила ва унинг мустаҳкамлигига таъсир этмаган ҳолда) чиқа олиши; оилани ўрганувчи психологик ташхис методикалари билан ишлаш ва улар ёрдамида олинадиган натижаларни тўғри талқин эта олиши билан боғлиқ билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишимизга хизмат қилади. Бу эса “Оила психологияси” фани бўйича медиамаҳсулотлар яратиш, видео ва аудиороликлар тайёрлашга бўлган эҳтиёжнинг ниҳоятда долзарб эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, мазкур лойиҳанинг мақсади “Оила психология”си фанига оид илмий-амалий маълумотларнинг электрон базасини яратиш орқали Олий ва ўрта махсус таълим тизими талабаларига, фан ўқитувчиларига ва барча қизиқувчиларга тегишли билимларни бериш, соҳага оид кўникма ва малакаларни шакллаштиришдан иборат. Мазкур лойиҳа тақдимоти учун қуйидаги вазифалар белгиланган:

1.Оила психологияси фани бўйича хорижда ва Ўзбекистонда тўпланган тажрибалар асосида шаклланган маълумотларнинг электрон базасини яратиш;

2.Оила психологияси фани бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги томонидан БД-5110900-2.08. рақамли фан дастури асосида электрон платформа яратиш ва тақдим этиш;

3.Оиладаги психологик ҳолатларни диагностика қилиш ва коррекциялаш бўйича қўлланилиши лозим бўлган методикаларнинг электрон платформаларини яратиш ва тақдим этиш;

4.Дастурда кўрсатилган ҳар бир мавзу мазмунини етакчи мутахассисларнинг фикрлари, глоссарийлар, кўргазмали воситалар, видео ва аудиороликлар ёрдамида ёритиб бериш;

5.Оила психологияси фани бўйича барча қизиқувчилар учун амалий-услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ва тақдим этиш.

Кутилаётган натижа:

1.Оила психологияси фани ҳақидаги илмий тасаввурлар янада бойитилади;

2.Оиладаги психологик иқлим ва шахслараро муносабатлар психологиясини ўрганишга мўлжалланган ташхис методикалари билан ишлаш ва улар ёрдамида олинган натижаларни тўғри талқин эта олиш малакалари янада мукаммалроқ тарзда шаклланади.

3.Оилага психологик хизмат кўрсатиш тизими такомиллаштирилади.

Юқоридаги талаблар асосида ушбу лойиҳанинг бажарилиши бугунги ахборот технологиялари имкониятидан фойдаланилган ҳолда оилага психологик хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга ёрдам беради.

Дастлаб оила психологияси фанидан мултимедиа маҳсулотларини яратиш бўйича дастлабки сўровномани ўтказдик. Олинган натижалар шуни тасдиқлайдики, демак, оила шахс руҳияти билан боғлиқ кенг кўламли муаммолар мажмуасини ўз ичига олганлиги боис, бугунги кунда маҳаллада



Ўзбекистон Республикаси
Инновацион ривожланиш вазирлиги

СЕРТИФИКАТ

Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида 2021-2022 йилларда бажариладиган инновацион лойиҳалар танлови ғолиби

Лойиҳа раҳбари: Психология фанлари доктори, профессор
Баратов Шариф Рамазонович

*Лойиҳа мавзуси: "Оила психологияси" фанидан мультимедиа маҳсулотларини яратиш*

Ижрочи ташкилот: Бухоро давлат университети

Инновацион ривожланиш вазири,
академик И.Ю.Абдурахмонов

Тошкент шаҳри, 2020 йил 30 декабрь

яшовчи оилаларга мультимедиа маҳсулотларини яратиш, шу орқали уларга психологик хизмат кўрсатилиши шарт ва зарур экан, юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, оилаларга психологик хизмат муаммоси дунёнинг қайси давлатида бўлмасин, у ёки бу шаклда, муайян илмий-назарий тамойилларга амал қилган ҳолда ҳал қилинади. Зеро, инсонга ёхуд унинг рухий ва индивидуал оламига жиддий эътибор берилмас экан, бирор бир давлат ҳам ривожланмаслиги тайин. Шу нуктаи назардан Ўзбекистонда ҳам айнан маҳалла тизими орқали аҳолининг турли гуруҳларига психологик хизматнинг ташкил этилиши ва бу жараённи Давлат даражасида қўллаб қувватланиши мухим аҳамиятга эга. Жумладан, жамият ва оилада соғлом, барқарор ижтимоий-психологик муҳит ҳамда тинчлик, тотувлик, осойишталикни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини тубдан ислоҳ қилиш орқали маҳалла институтининг ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари билан узлуксиз, тизимли ҳамкорлигини йўлга қўйиши билан боғлиқ бир қатор ишларнинг бажарилиши маҳаллада психологик хизмат тизимининг ўзига хос методологик асосларини яратишда муҳим ўрин тутади. Бу ўринда Ўзбекистонлик олимлар (Шоумаров Ғ.Б, В.М. Каримова, Э.Ғ. Ғозиев, З.Т. Нишонова, Б.М. Умаров, Н.С. Сафоев, Б.Р. Қодиров, П.С.Эргашев, Н.А. Соғинов, Р.А. Абдурасулов, У.Д. Қодиров) раҳбарлигида олиб борилаётган илмий тадқиқот натижаларининг алоҳида ўрни ва аҳамияти бор. Ушбу илмий натижаларга асосланиб, Ўзбекистонда маҳаллага психологик хизмат кўрсатишнинг ўзига хос методологик асослари ва илмий-амалий йўналишлари яратилмоқдаки, бу йўналишлар Ўзбекистонда ахолининг турли гуруҳларига хизмат қилувчи психологик хизмат моделини яратишда ва бу моделни айнан маҳалла институтлари орқали амалиётдаги ўрнини белгилаб беришда муҳим дастур-амал бўлиб хизмат килади.

**Методика.** Биз мазкур лойиҳамизнинг амалий соҳасини ташкил этишда бир қатор тадқиқот усулларидан фойдаландик. Жумладан, Рикс Уэссманнинг ўзини-ўзи ҳиссий баҳолаш" методикаси орқали олинган эмпирик маълумотлар асосида мултимедиа маҳсулотларини яратдик.

Шахснинг ўзини-ўзи ҳиссий баҳолаш жараёни ўзини-ўзи турли хил кўнгилсизликлардан, муваффақиятсизликлардан ва зиддиятли вазиятлардан маълум даражада муҳофаза қилиш учун муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, фаолият давомида бу жараёнга жиддий қараш керак бўлади. Шуни ҳисобга олиб шахснинг маҳаллада аҳолининг турли гуруҳларида ўзини-ўзи ҳиссий баҳолаши ва фаоллик имкониятлари ўртасидаги мутаносиблик билан боғлиқ ижтимоий психологик омилларни эмпирик жиҳатдан ўрганиш ва шартли равишда қабул қилинган мезонлар асосида унинг натижаларини таҳлил қилиш кўзда тутилган эди. Ушбу вазифани амалга ошириш учун тадқиқот методлари танланди. Демак, мазкур методикани қўллаш орқали ўрганилаётган

шахсдаги ўзини-ўзи ҳиссий баҳолаш билан боғлиқ имкониятлар ҳақида тегишли эмпирик маълумотга эга бўлиш мумкин.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, баъзан ҳар бир шахс, ўз ҳиссий табиати ва унинг фаолият самарадорлигига хизмат қилувчи психологик муҳофаза имкониятларига адекват бахо бера олишга маълум маънода “ожизлик” қилиши мумкин. Бизнингча, бундай “ожизлик” замирида ҳиссий қониқмаслик, ҳиссий безовталик, ўз-ўзига нисбатан ноадекват ҳиссий тасаввурлар шаклланади. Табиийки, бу шаклланиш шахс ижтимоий фаоллигига, у ёки бу фаолият унумдорлигига аста-секин салбий таъсир эта бориши мумкин. Буни ўз вақтида англаш учун эса биз юқорида таъкидлаган Рикс-Уэссман тести ҳамда шунга мос бўлган қўшимча саволномаларни қўллаб, тегишли эмпирик натижаларни қўлга киритишни режалаштирган эдик. Энди, бевосита мазкур методикани амалиётда қўллаш тартибларига ўтамиз.

**Жадвал № 1.**

**Рикс-Уэссман шкаласи бўйича ўзини-ўзи ҳиссий баҳолаш омилларининг намоён этилиши**

| № | Омиллар | мезон | Обьектлар | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | ёшлар $n_1$=210 | Ўрни | Оилали шахслар $n_2$=220 | Ўрни | ногиронлар $n_3$=188 | Ўрни | Жами: N-618 |
| i | | | n | % | | n | % | | n |
| II | Хотиржамлик Асабийлик | А | 85 | 40 | 7 | 60 | 27 | 8 | 66 |
| | | Б | 125 | 60 | 2 | 160 | 73 | 1 | 122 |
| III | Ҳиссий-кўтаринкилик Ҳиссий-тушкунлик | А | 70 | 33 | 8 | 71 | 32 | 6 | 98 |
| | | Б | 140 | 67 | 1 | 149 | 68 | 3 | 90 |
| IIII | Ғайрат-шижоатлилик Толиққанлик | А | 100 | 48 | 5 | 68 | 31 | 7 | 101 |
| | | Б | 110 | 52 | 4 | 152 | 69 | 2 | 87 |
| IIV | Ишончлилик Ишончсизлик | А | 90 | 43 | 6 | 94 | 43 | 5 | 102 |
| | | Б | 120 | 57 | 3 | 126 | 57 | 4 | 86 |

**Расм № 1. Ёшларда ўзини-ўзи ҳиссий баҳолаш кўрсаткичлари диаграмма кўриниши n1=210 % ҳисобида (Рикс-Уэссман шкаласи бўйича)**






**Расм № 2. Оилали шахсларда ўзини-ўзи ҳиссий баҳолаш кўрсаткичлари диаграмма кўриниши. $n_2$=220 % ҳисобида (Рикс-Уэссман шкаласи бўйича)**




**Расм № 3. Ногирон шахслардаги ўзини-ўзи ҳиссий баҳолаш кўрсаткичлари намоён этилишининг диаграмма кўриниши. n3=188 % ҳисобида (Рикс-Уэссман шкаласи бўйича)**

Мазкур кўрсаткичлар кўламини янада чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсак муаммоли ёшлар бўйича охирги саккизинчи ўрин IIA шкала кўрсаткичларига (33,0%) тўғри келса, муаммоли оилалар гуруҳ аъзолари бўйича эса охирги ўрин IA шкала кўрсаткичларига (27,0%), ногиронлар гурухи бўйича 35,0% тўғри келганлиги аниқланди. Яъни, аҳолининг турли гуруҳларида истиқомат қилаётган шахслар аксарият ҳолларда кўпроқ "ғайрат шижоатлилик" сифатларини ва айрим ҳолларда "ўз-ўзига ишончсизлик" каби хусусиятларга асосланиб намойиш этишга ҳаракат қилмоқдалар. Шундан ҳам яққол кўриниб турибдики, ўзини-ўзи ҳиссий баҳолаш жараёнининг шаклланишида муаммоли ёшлар, оилалар ва ногиронлар ўртасида муайян даражада тафовутлар мавжуд экан.

Олинган мазкур натижалар, аҳолининг турли гуруҳларига психологик хизмат кўрсатишда ўзига хос тарзда индивидуал ёндашув имкониятларини очиб беришга хизмат қилади.

Қўшимча равишда олиб борилган контент таҳлил натижаларида ҳам маҳаллалардаги аҳолининг турли гуруҳлари орасида бироз бўлсада тафовутларнинг борлиги сезилади. Жумладан, берилган очиқ ва ёпиқ саволларнинг жавоблари ва индивидуал суҳбат натижаларидаги кўп марта такрорланган тушунчаларнинг умумий қийматлари таҳлилида ҳам "адекват" ва "ноадекват" кўрсаткичлар характери таҳлил қилинди. Унга кўра, муаммоли ёшлар бўйича умумий кўрсаткичлар орасидаги 1-ўрин "ҳиссий-тушкунлик" , 2-ўрин "асабийлик" (60%), 3-ўрин "ишончсизлик", 4-ўрин "толиққанлик" омилига тўғри келиши, муаммоли оилалар орасидан олинган очиқ жавобларда эса 1- ўрин "асабийлик", охирги ўрин эса "хотиржамлик" омилига тўғри келиши аникланди. Умуман, Рикс-Уэссман услубига даҳлдор кўрсаткичлардаги "асабийлик"нинг аҳоли барча гуруҳларида юқори ўринларда туриши муаммоли шахслардаги нотекис ўзгаришлар, шахсига хос вақтинчалик инқироз ҳолатининг таъсири билан боғлиқ омилларнинг мавжудлигини кўрсатади. Олинган бу маълумотлар методика мазмунига мос олдинги маълумотлар таҳлилининг объективлигини яна бир бор тасдиқлайди.

**Хулоса.** Биринчи йил охирида кутилаётган илмий натижаларга таяниб қуйидагиларга алохида этибор қаратилади.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида оилада психологик хизмат кўрсатиш тизими билан боғлиқ тажрибалари, мультимедиали тарғибот концепцияларининг методологик таҳлили, уларнинг моҳиятини ифодалаш;

Олий ва ўрта махсус таълим тизимида мультимедиали технологияларини такомиллаштиришни долзарб муаммо сифатида тадқиқ этиш.

Оила психологиясига тегишли янги мультимедиали моделларини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш;

аҳоли ва ёшларнинг оила билан боғлиқ ижтимоий психологик саводхонлигини ошириш; жамиятда маънавий қадриятларни тиклаш. Умуман, ҳар бир олинган эмпирик таҳлил натижалари жамиятнинг муҳим бўғини хисобланган оилаларга бугунги инновацион гоялар ва технологиялардан фойдаланган ҳолда психологик хизмат кўрсатиш тизимини илмий – амалий жихатдан мукаммал даражада такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Адабиётлар:**

1. Баротов Ш.Р. Социально-психологические и научно-практические основы создания психологической службы в Узбекистане. Автореф. Дисс. докт. психол.наук. Т., 1988. - 37 с.
2. Баротов Ш.Р. Таълимда психологик хизмат асослари. Монография. Тошкент, 1999. 96 б.
3. Баратова Д.Ш. Маҳаллада психологик хизмат назарияси ва амалиёти. //Монография. "Дурдона". – Бухоро. – 2020. – 210 б.
4. Майерс Д. Психология / Д. Майерс: пер. с англ. И.А. Карпиков, В.А. Старовойтова. – 2 -е изд. – Мн.: Попурри, 2006.- 488с.
5. Слюсарева Е.С., Козловская Г.Ю. Методы психологическое коорекцион учебно-методическое пособие. – Ставрополь, 2008.
6. О.Н. Истратова, Г.А.Широкова, Т.В. Эксакусто. Большая книга детского психолога, - Ростов н/Д: Феникс, 2008. – 568 с.